



Ўзбекистон мустакилликка эришгач, тарихан киска даврда ҳам ички, ҳам ташки сиёсат бобида улкан ютуқларга эришди. Шу Мустакиллик шарофати билан халкимизнинг ўтмишига, тарихига ҳолисона ёндашиш ва ҳақиқий тарихни яратиш соҳасида ҳам катта вазифалар ҳал қилинмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов айтганидек «қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадри баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб вори бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!» (И. А. Каримов. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик». Тошкент, 1993, 7—8-бетлар.)

Дарҳақиқат, тарихимиз, унинг ижодкорлари бўлмиш ота-боболаримиз ўтган мустамлакачилик замонида кўп маломатларга қолди. Уларнинг тарихи бузиб кўрсатилди, ўзлари эса қораланиб тарих саҳнасининг бир қоронғу бурчагига суриб қўйилди. Шундай қамситишлар халкимизнинг шўро тузуми ва коммунистик хунрезликка қарши олиб борилган 10-12 йиллик кураши тарихига ҳам тааллуқлидир. Бу курашлар, ижтимоий ва миллий озодлик ёки қаршилик ҳаракати «босмачилик» деган ҳақоратнамо бир сўз орқали бадном этилди.

Ҳўш, бу ҳаракат қадимдан муқаддас саналган Бухорода қандай шаклланди? Қандай намоён бўлди ва нимага эришди? Қаршилиқ ҳаракатига қимлар раҳбарлик қилди?.. Жаҳон инқилоби талвасаси билан ҳаракат қилаётган Россия большевизми ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва очлиқ ҳалокатидан қутулишнинг ягона йўли Шарқнинг энг бой давлатларидан бири бўлган Бухоро амирлигини босиб олишда деб тушунди. Россияни Бухоро халқининг озодлиги, эрки қизиқтирмас эди. Уни Бухоро амира ва бекликлар хазиналаридаги тонналаб олтин ва бошқа бойликлари қизиқтирар эди. Натижада Шўро ҳукумати босқинчиликка тайёрлана бошлади. Аммо РСФСРнинг баъзи инсофли раҳбарлари бу хунрезликни амалга ошириш катта фожияларга олиб келиши мумкинлигидан олдинроқ оғохлантириб, ҳатто бундай режаларнинг олдини олишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Жумладан, БМИК ва ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича бўлим бошлиғи Г. И. Бройдо 1920 йил 13 июнда Ленинга мактуб йўллаб қуйидагиларни маълум қилди. «Бизнинг айрим ҳарбий-сиёсий раҳбарларимиздан, амирликни тор-мор этиш учун бор-йўғи 2-3 полк етарли деган гапларни кўп эшитмоқдамиз. Аслида ундай эмас. Менимча амир армиясини яқсон этиш қийин эмас, аммо Қизил Армия узок муддатда давом этадиган фронтга дучор бўлади ва озодлик келтирувчи эмас, босқинчи деган номни олади. Бухоро лартизанлари эса ўз юрти мустақиллигини таъминлаш учун курашни давом эттираверадилар». Орадан сал вақт ўтгач, яъни 23 июлда эса РСФСРнинг Бухоро ишлари бўйича фавқулодда вакили А. Е. Аксельрод ҳам В. И.

Ленинга карийб юкоридагидек мазмунда хат ёзди. Унда жумладан шундай дейилади: «...Амир армиясини тор-мор этиш хеч гап эмас, аммо ярмидан кўпи тоғларда яшаётган икки ярим миллионли Бухоро халкини енгиш мутлако мумкин эмас...».

Лекин бу огохлантиришлар килйчини кинидан чиқаришга улгурган Кизил Армияни Бухорога хужумини тўхтата олмади.

1920 йил августнинг охирида Туркистон фронти кўшинлари (кўмондони М. В. Фрунзе) 25-30 минг кишилик армия билан Бухорога ҳамма томондан хужумга ўтди, тўплар ва аэропланлар ёрдамида шаҳар ва унинг атрофлари каттик бомбардимон қилинди. Натижада амир Олимхон шаҳарни ташлаб Шарқий Бухорога қараб кетди. 2 сентябрда шаҳар тўлиқ кизиллар қўлига ўтди.

28 августдан 2 сентябргача давом этган Бухоро операцияси натижасида минг-минглаб одамлар нобуд бўлди, 11 аэропланнынг тинимсиз бомбардимони натижасида шаҳарнинг бешдан бир қисми ёниб, обидалар ер билан яқсон бўлди, амир хазинаси, қушбеги ва бошқа Бухоро бойларининг бойликлари таланди. Таланган амир олтинлари ва бошқа қимматбаҳо бойликлар Фрунзе кўрсатмаси билан сентябрнинг ўрталарида 14 вагонга юкланиб Москвага юборилди.

Бу воқеаларни ўз қўзи билан кўрган Турккомиссия аъзоларидан бири Г. Сафаровнинг ёзишича «Бухорога келган рус қўшинлари ва Кизил гвардиячилар энг аввало талончилик ва зўравонлик билан шугулландилар. Улар ҳаммани ва ҳамма нарсани тападишар. Умуман, руслар Бухорони талаш учун келган эдилар» деб хотирлайди.

Ўзингиз ўйланг, босқинчиликка қайси халқ чидай олади! Албатта ор-номуси бор инсон босқинчиларга қарши қурашга чиқиши муқаррар. Бухоро халқи эса шундай қурашга отланди. Бу қураш адолатли, азодлик қураши эди. У «босмачилик» эмасди. У босқинчиларга нисбатан қаршилик ҳаракати эди. Бухородаги қаршилик ҳаракатига тахтдан маҳрум этилган Амир Олимхон, Иброҳимбек, Анвар пошшо, мулло Абдуқаҳҳор ва бошқа ватанпарварлар раҳбарлик қилдилар.

Бутун амирлик ва Бухоро жумҳурияти ҳудудидаги қаршилик ҳаракати тўғрисидаги воқеалар қўлами гоят кенг эди. Аммо 1920 — 1924 йилларда Бухоро шаҳри атрофидаги қаршилик ҳаракати тўғрисида гапирадиган бўлсак, амир ҳокимияти ағдарилгандан сўнг Ватан озодлиги учун, айниқса, Ислом ва шариат қонунларини ҳимоя қилиш учун амирликнинг барча собиқ бекликларида ва туманларида маҳаллий аҳоли ўз беклари ва кўрбошилари атрофида жипслаша бошпади.

Бухоро ва унинг атрофидаги кентларда «Халқ ҳаракати авж олди. Аввал кичик тўдалар, кейинчалик йирик қўшинлар Кизил Армияга қарши қўлига тушган нарса билан қуролланди. Уларнинг ягона шиори «Бухорони ҳимоя қилиш ва мустақилликни сақлаб қолишдан иборат эди».

1921 йилнинг бошидан бошлаб Бухоро атрофида қуйидаги кўрбошилар шўролар ҳукуматига қарши қураш олиб бормокда эди: «Аъзам Ҳожи, Файзулло ва Тош Мурдамўй гуруҳи 200 дан кўпроқ киши билан эски Бухоро яқинидаги қишлоқлар — Галаосиё, Харғуш туманларини ўз назоратларида сақлаб турдилар. Бозор Кўрбоши, Ота Мурод, Абдулло кўрбошилар эса 280 кишилик қўшини билан шаҳарнинг шарқий томонидаги қишлоқлар ва Баҳовуддин туманида ҳаракат қилмокда эди. Ҳамро кўрбоши, Ражаб Камандир, Қобил Чўлоқлар бошчилигидаги ватанпарварлар эса Ромитон туманида 150 кишилик гуруҳ билан ҳаракат этмокда эди. Кўрбоши Жўра Амин, Ҳамро Полвон, туркманлардан Чори ва Ҳожи Сардорлар 300 га яқин қўшин билан Жондор ва Қррақўл туманида ҳаракат қилмокда эди».

Булардан ташкари Гиждувон туманида Бойкаро, Козокбой, Вангозеда Гайбулло кўрбоши ва бошқалар маҳаллий аҳолининг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилганлар.

Аммо шўро армияси Бухорода ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида ҳамма жойда ҳам ўз айдоқчиларини қишлоқ советлари раислари ва маҳаллий ревком раислари қилиб сайлаб қўйди. Улар ихтиёрида замонавий қурооллар билан қуроолланган қизил аскарлар хизмат қилар эди.

1920 — 1921 йилларда Қизил Армиянинг Шарқий Бухорода қаршилик ҳаракати қучлари билан қурашда бандлигидан фойдаланиб Ғарбий ва Марказий Бухорода маҳаллий халқ ўз кўрбошилари раҳбарлигида катта натижаларни қўлга киритдилар.

«1921 йил декабрда Қарши туманида Муҳиддин Махсум ва Абдуҷаббор, Гиждувон туманида Мулло Абдулқаҳҳор қўшинлари мазкур туманларда шўро тузумини тугатдилар. Вазият ўзгариб Анвар пошшонинг Ғарбий Бухорога қириши учун йўл очилгач (Қарши орқали) Бухоро халқ шўролар жумҳурияти ҳарбий вазири Абдулҳамид Орипов «босмачиларга қарши» қурашиш никоби билан Гиждувонда турган Мулло Қаҳҳор қўшинларига қелиб қўшилди, сўнг эса Анвар пошшо штабининг фаолларидан бирига айланди».

Бу қурашлар туфайли Ғарбий Бухоронинг катта қисми қаршилик ҳаракати иштирокчилари қўлига ўтди. Аммо Туркистон фронти ва Турккомиссия бу ҳолга бардош беролмай Бухорога марказдан катта ҳарбий қуч ташлади.

1922 йил март ойининг бошларида Шўро ҳокимиятининг аҳоли янада огирлашди. Чунки Ғарбий Бухоро ватанпарварлари Бухоро халқ шўролар жумҳуриятининг пойтахти эски Бухорони ҳамма томондан қамал қилиб олдилар. Хатто шаҳарнинг Қарши дарвозаси, Файзиобод, Моҳихоса ва Бухоро яқинидаги темир йўллар ватанпарварлар қўлига ўтган, қаршилик ҳаракати қучлари ҳукумат қўшинларига нисбатан қўпроқ эди.

1922 йил 5 мартда Шўролар ҳукумати Туркфронтидан қўшимча ёрдам сўраб ўз жонларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. 9 март куни Туркистон фронти Бухоро учун яна 12 минг қишлоқ қўшин ва бир неча бронепоездни юборди. Энди қучлар нисбати қизиллар томонидан қўп эди. Аввал Темир йўллар, сўнг шаҳар яқинидаги қаршилик қучлари яқсбн қилинди. 9 март кечга яқин Бухоро қамали тугатилиб ватанпарварлар 10-15 қақиримга чеқинишга мажбур бўлдилар. 10-11 март кунлари эса қизиллар техник ва сон жиҳатдан қўплигидан фойдаланиб Вобқент, Гиждувон ва Қарманани ишғол қилдилар. Абдуқаҳҳор, Хўжа Амин, Нарзи Полвон, Бойқаролар тоғларга ва Қизилқумнинг ичкарасига яшириниб алоҳида-алоҳида қурашни давом эттиришга мажбур бўлдилар.

Қизиллар Маҳаллий қаршилик ҳаракати иштирокчиларининг тарқоқлигидан фойдаланиб уларни алоҳида-алоҳида тугатишга қиришдилар.

Айниқса, 1922 йил ноябрь-декабрь ойларида маҳаллий қаршилик ҳаракати иштирокчилари катта талафот кўрдилар. Жумладан, 16 декабрь куни Зандане туманида ҳаракат қилаётган Остонча гуруҳи батамом тор-мор этилди. 26 — 27 декабрда эса Жондор атрофларида ҳаракат қилаётган Жўра Аминга тўсатдан ҳужум қилиниб унинг тўдаси ҳам яқсон қилинди, 15 қиши жангда ўлди, 30 га яқини асир олинди ва Жўра Амин Варахша харобаларига яширинди. Бундай ҳунрезликлар Қоракўл, Ромитан, Харгўш ва Баҳовуддин туманларида ҳам амалга оширилди. Натижада фақат 1922 йил декабрида Қизил Аскарларнинг қонли ҳужумлари туфайли Бухоро атрофларида «511 қиши шаҳид бўлди, 127 қиши асир олинди. Қизиллар эса 260 милтиқ, 52 та тўппонча, 11 мингдан зиёд патрон, 220 от ва 1 пулемётни ўлжа қилиб олдилар» .

1923 йилдан бошлаб эса қизиллар қўлга қиритилган ютуқлардан руҳланиб маҳаллий

ахоли бошига янги-янги фожиаларни солдилар. Айникса, шу йилнинг июнь-июль ойларида Бухоро атрофидаги тинч ахоли катта зарар кўрди. Кизиллар тўғридан-тўғри салла ўраган барча кишини — кексами, ёшми катъи назар «босмачи» сифатида санаб уларни кийночка солдилар, от-уловларни таладилар, хатто хотин-кизларни зўрлаш холлари ҳам содир бўлди. Бу хол айникса кўлга тушган кўрбоши ва «босмачииларнинг оналари, хотинлари, кизлари, опалари ва сингилларига нисбатан амалга оширилди. Гиждувон тумани Араблар кишлогига истикомат қилган 91 ёшли Маъруф бобо (1992 йил майда оламдан ўтган)нинг гувоҳлик беришича «айрим кишилар бу шармандаликларга чидай олмасдан халқдан турли йўллар билан яширинишга ҳаракат қиларди. Уларнинг кўпчилиги турли томонларга бош олиб кетди, ўзларини сувга, оловга ташлаганлар ҳам бор эди».

Кизиллар ўз она ерини химоя қилаётган кучларга шафкатсизларча муносабатда бўлдилар. Жумладан, 1 июндан бошлаб Гиждувон туманида ҳаракат қилиб турган кўрбоши Бойқароннинг 86 йигитига тўсатдан ҳужум қилиб уни Кизилқумга суриб ташладилар, жанглار туфайли 30 га яқин киши нобуд бўлди.

«1923 йил июль ойининг бошларида эса Хўжазаффарон ҳудудида жон сақлаган Хамро Полвон гуруҳига қарши махфий ҳужум тайёрланди. Қумлик ва саксовуллар орасида яширинган Хамро Полвон гуруҳини топишда аэропланлар ишлатилди. 14 июлдаги тўқнашув натижасида бу гуруҳ батамом тор-мор этилди, жанг майдонида 30 киши шаҳид бўлди, 50 дан ортиқ киши яраланиб асирга тушди. Кизиллар 45 от, 21 митик, 17 тўппонча ва 1000 дан ортиқ патронни ўлжа олдилар. Жангда Хамро Полвон ва унинг 2 кўрбошиси ҳам ҳалок бўлди» .

Аммо Гарбий ва Шимоли Шаркий Бухорода озодлик кучлари ҳамон курашни давом эттирмоқда эди. Бу воқеалардан хабардор бўлган Олимхон ўз яқинларидан Турсун хўжа ва Латиф Девонбегини совга-саломлар билан Мулло Каххор ҳузурига юборди, уларнинг келиши қаршилиқ ҳаракатини янада руҳлантирди. Сабаби — авом халқ Амирга, озодлик ва мустакилликка ишонар эди.

Аммо босқинчилар янги кучлар ва қурооллар билан кучлантирилиб, мадорсиз, заиф қуроолланган маҳаллий кучларга кетма-кет зарба бермоқда эди.

Ҳақат 1924 йилнинг дастлабки 3 ойида кизиллар билан олишувда «16 та кўрбоши, 341 оддий жангчи ҳалок бўлди, 2 кўрбоши, 97 оддий жангчи яраланди, 8 кўрбоши, 127 оддий жангчи асир олинди. Кизиллар кўп миқдорда (400 га яқин милтик) ўлжа олдилар».

Биз кизил аскарларни доим ҳалоскор, йўқсулларнинг дўсти сифатида ўргандик. Аслида бундай эмасди. Кизил аскарларнинг қирдикорларидан ва уларнинг ғайридин эканликларидан газабланган ахоли ўлган ёки асир тушган кўрбошилар ўрнига янги, халқ ичида обрўга эга бўлганларни ўз раҳбари сифатида сайлаб қўяр эди. Шундай воқеалардан бири 1924 йил май ойида Харгўш (Вобкент ва Галаосиё ўртасида) кишлогига содир бўлди. Чилибоев деган кишининг тўйига тўпланган халқ тўй охирида катта митинг қилиб «Совет ҳукумати уларнинг ҳолидан хабар олмаётганлиги, кизилларнинг бебошларча талашларини олдини олиш учун Тош Мурдашуйни ўзларининг кўрбошиси этиб тайинлайдилар. Йигилиш протоколига 2000 киши бармоқ босиб тасдиқлайди» .

Бундан хабар топган Шўро ҳукумати Харгўш, Галаосиё, Вобкент ва Гиждувон ту-манларида «босмачиликни тугатиш» режасини ишлаб чиқди. 16 июнь куни кизил аскарлар Харгўшга етиб келади, улар аввал Хофиз Хожи гуруҳини топиб тор-мор этадилар. Жангда Хофиз Хожи шаҳид бўлади, кизиллар унинг гавдасини топиб олиб

бошини кесиб оладилар, унинг хакикатдан ўлганлигини исботловчи далил сифатида каллани Бухорога жўнатадилар. Ха, бундай воқеаларнинг «ижодкори» кизиллар эди. Хукумат айгокчилари 4 кундан кейин Харгўш ва Галаосиё оралигида кўрбошилардан Саид Биринчи, Хомид Юзбоши ва Тош мурдашуй гурухларининг яширинган жойларини ҳам аниқладилар. Гарчанд улар кўлга тушмаса-да, бутун моли дунёси бир неча аравага юкланиб Бухорога олиб келинди. 1924 йил 22 июнь куни кизиллар Харгўшдан Галаосиёга кела туриб тўсатдан Аъзам Хўжа кўшинларига дуч келдилар. Икки соатлик тенгсиз жангда Хўжа кўшинлари мағлубиятга учради. Ўзи эса Гиждувонга караб кочди. Кўрбошининг уйи тинтув килинганда унинг уйидан «олтин билан безатилган зархал тасма (пояс), 1 дона кумуш тасма, учта амирлик олтин ордени (Олимхон амирлик учун хизматлари эвазига берган бўлса керак), 3 та Эроннинг кумуш ордени, 2 та амирлик кумуш ордени, 18 дона амирнинг олтин тангаси ва бошқа мол-мулки тўлик мусодара килинди» .

Шундай килиб факат июнь-июль ойларида «Бухоро билан чегарадош аҳоли кентлари ва кишлокларида 420 киши Кизил Армиянинг қурбони бўлди, шундан 40 нафари кўрбоши эди» .

Худди шу кезларда Москва Ўрта Осиёда катта сиёсий игвогарликка, яъни давлат чегараланишини ўтказиб, ўлкани таксимлаб ташлашга тайёргарлик кўрмокда эди. Аслида эса яхлит иктисодий муҳит, тил, маданият ва динга эга бўлган халқларни таксимлаб ташлашга киришилди. Бу сиёсий игвогарликдан кўзланган асосий мақсад яхлит Туркистон, Бухоро ва Хоразмни бир неча бўлақларга парчалаб, қучларни бўлиб юборишдан иборат эди. Ўрта Осиёда қаршилик ҳаракатини батамом йўқотмасдан туриб юқоридаги вазифани хал қилиш мумкин эмас эди.

Туркистон фронти кўшинлари Ўрта Осиёда «осойишталик ўрнатиш» мақсадида 1924 йилнинг июль-ноябрь ойларида яна бир қанча хунрезликларни амалга оширди. Кизиллар замонавий армия ва техникага суяниб Шарқий Бухорода Иброҳимбек, Гарбий Бухорода эса Ислон лашқари Мулло Абдуқаҳҳор ва бошқа катта-кичик гурухларни асосан тугатиб, сунъий равишда, қонли террор йўли билан «тинчлик» ўрнатди. Умуман ЎзССР тузилгунча ўлка мустақиллиги учун қурашларда 1500 киши шаҳид бўлди ва 640 киши асирга олинди. Ҳаммасидан ошиб тушгани шу бўлдики, қилич ёрдамида ўтказилган миллий давлат чегараланишидан сўнг жумҳурият ҳукумати собиқ қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ўзига ҳос авф эълон қилди. Яъни ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қураш олиб бориб қон тўккан қишлоқликлар гўё «қилмишлари» учун авф этилди! Аслида, минглаб йиллар давомида тинч ва мустақил ўлкани қабт этган босқинчилар, минглаб аҳолининг ёстигини қуритган жиноятчилар қолиб сифатида ўлкада мустақамланиб олдилар.

Умар РАШИДОВ